



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Шомуродова Дилбар Абдишукуровна

Ўқитувчи Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

## ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАР ТАРИХИДАН

### Аннотация

Жамият тараққий этиб борар экан, тил луғат бойлиги ҳам у билан бирга ривожланиб боради. Бу жараёнда ички ва ташқи омиллар хизмат қилади. Ушбу мақолада маълум бир тил луғат бойлигининг ташқи омил асосида қандай шарт-шароитлар кўра бойиб бориши ва асосан, ўзбек тилининг бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш тарихига назар солинади.

**Калит сўзлар:** луғат, ўзлашма сўз, луғавий birlikлар, жараён, ҳодиса, ички ва ташқи имконият, сўз туркуми, ёзма ва оғзаки мулоқот, иккитиллилик, ҳамкорлик.

Маълумки, ҳар қандай тил ўз луғат бойлигини ички ва ташқи манбалар асосида доимий равишда бойитиб боради. Ички имконият деганда, маълум бир тил луғат таркибининг бевосита ички имкониятлар, яъни грамматик қўшимчалар, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиш, шевалардан сўз қабул қилиш каби воситалар орқали кенгайиб бориши тушунилади. Ташқи имконият тушунчаси остида эса турли хил сабабларга кўра бир тилдан иккинчи бир тилга кириб келган луғавий birlikларни, яъни сўз ўзлаштириш ҳодисасини назарда тутамиз.

Сўз ўзлаштириш жараёнининг муҳимлиги шундан иборатки, бу ҳодиса ҳар қандай тилнинг луғат бойлигини доимий равишда бойитиб, кенгайтириб боради. “Сўз ўзлаштириш – турли миллат вакиллари оғзаки ва ёзма мулоқотининг муқаррар натижасидир. Ҳар бир тилнинг луғат таркибида маълум бир фоиз ўзлаштирилган сўзлар бўлади. Айрим халқларнинг пуристик ғоялари қанчалик кучли бўлмасин, бирорта ҳам тил ўзлашмаларни четлаб ўтолмайди. Тилнинг ўзлашма сўзларга



бойлиги ушбу тил соҳибларининг кўп томонлама халқаро муносабатларидан далолат беради.”<sup>1</sup>

Бир тилдан иккинчи тилга янги сўзлар халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар натижасида қабул қилинади. “Бу – шунчаки амалга ошадиган механик жараён бўлмасдан, балки мураккаб лисоний ва ижтисоий-тарихий шароитлар билан боғлиқ тарзда рўй берадиган қонуният ҳисобланади. Аввало, тилдан тилга сўз ўзлашиши учун реал шароит лозим бўлади. Мана шундай шароит, энг аввало, *тиллер ҳамкорлиги*, икки тил орасидаги алоқадир”<sup>2</sup>. Демак, икки тиллилик сўз ўзлаштириш жараёнини ўрганишда асосий мезон ҳисобланади ва бу жараён лисоний (лингвистик) ва нолисоний (экстралингвистик) сабабларга кўра амалга ошади. Қуйида шу омилларнинг баъзиларига тўхталиб ўтсак.

1. Ўзлаштирилаётган сўзнинг яхлит бир сўз эканлиги. Масалан, **саммит** сўзини олиб кўрсак. Ушбу сўз ўрнида ўзбек тилида “давлат раҳбарларининг учрашуви” каби бирикмали терминни қўллаш мумкин ёки **портфолио** сўзи ўзбек тилида “папка ёки альбомда тўпланган фотосуръатлар, махсулотлар, ижодий ишлар намуналари тўплами” бирикмали термини билан алмаштирилиши мумкин. Лекин, бундай бирикмалар адабий тилдан жой олиши қийин. Шунинг учун улар ўрнида **саммит**, **портфолио** каби ўзлашмалар қўлланилади.
2. Маълум бир тилнинг луғат бойлиги қанчалик бой бўлмасин, илм-фан тараққиёти натижасида юзага келаётган баъзи бир предмет ёки ҳодисаларни номлашда ожизлик қилади ва сўз ўзлаштиришга тўғри келади. Масалан, **ксерокопия**, **принтер**, **факс**, **тендер**, **холдинг** каби сўзлар шулар жумласидан.

Рус тилшунос олими Ю.С.Сорокин сўз ўзлаштиришнинг сабаб ва заруратларини ўз тадқиқотларида чуқур ўрганиб чиққан. Унинг ёзишича, “Ўзлаштиришнинг зарурати ҳеч бўлмаганда учта ҳолат билан изоҳланади:

1. Рус адабий тили луғавий тизимидаги етишмайдиган қисмларни тўлдириш зарурати. Энг аввало, илмий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий лексика мана шундай бўғин бўлиб майдонга чиқади. Лексиканинг айнан мана шу доирасига терминологик аниқлик ва барқарорлик бериш зарур бўлди; муҳим тушунчаларни ифодалашдаги ўзбошимчалик, хилма-хиллик, барқарорликни тугатиш зарур бўлди.
2. Янги ўзлашаётган сўзлар ўзларининг русча муқобиллари билан мазмунига кўра қисман мослашди, чунки улар семантик аниқлик, “терминологик” устунликка эга. Русча муқобиллар эса мазмунига кўра нисбатан кенгроқ, шу боисдан ноаниқроқ, тушунчанинг барча мавжуд янги маъно нозикликларини аниқ ифодалай олмайди.
3. Европача асосдаги тушунчалар маълум даражада “интернационал” бўлиб қолди ҳамда бундай тушунчалар бир қатор Европа тиллари (француз, инглиз ва бошқ.)да маълум сўз-терминлар билан қўшилиб кетди.”<sup>3</sup>

Юқоридагилардан кўринадики, сўз ўзлаштириш ҳодисасида камида иккита тил қатнашар экан ва бу жараёнда сўз бераётган тил **манба тил** ҳисобланади. Агар сўз

<sup>1</sup> Суперенская А.В. Заимствование слов и практическая транскрипция.- М.: «Наука», 1962. –С.5.

<sup>2</sup> Жомонов Р. Ўзбек тилида сўз ўзлаштириш ва имло муаммолари. – Т.: “Ўзбекистон” 2013. – 11 б.

<sup>3</sup> Сорокин Ю.с. Развитие словарного состава русского литературного языка 30-90 е годы XIX века. – Москва – Ленинград: Наука, 1965. – С. 59.

бир тилдан бошқа бир тилга учинчи тил ёрдамида ўзлашган бўлса бу **восита тил** дейилади.

Ҳозирги ўзбек тили ҳам бошқа тиллар сингари сўз ўзлаштириш борасида анча бой тажрибага эга. Ўзбек адабий тили тарихининг тараққиёт даврига назар ташласак, ўзлашган сўз ва шакллар турли даврларда турлича ижтимоий сабаблар билан кириб келган. Ўзбек адабий тилининг луғат таркибидаги сўзлар тарихий шаклланиши жиҳатидан фақат туркий тилларга хос бўлмай, балки форс-тожик, араб, муғул, рус, уйғур тили орқали хитой тилидан ўзлаштирилган сўзлардан иборатдир. Манбаларда таъкидланишича, ташқи манба асосида луғат бойлигининг кенгайиши ўзбек тили доирасида 30-35 % ни ташкил этади. Ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар олимларимиз томонидан тизимлаштирилган ҳолда қуйидагича тавсифланади:

- 1) араб тилидан ўзлашган сўзлар;
- 2) форс-тожик тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзлар;
- 3) 1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин ўзбек тилида пайдо бўлган рус-байналмилал сўзлари .

Ўзбек тилида бевосита араб тилидан ўзлашган сўзларнинг кўплиги VII-VIII асрларда юртимизнинг араблар томонидан босиб олинishi ва араб тилининг расмий тил сифатида қабул қилиниши билан боғлиқ. Араблар босқинидан сўнг барча хужжатлар, ёзишмалар, давлат идоралари фаолияти араб тилида олиб борилган ва шу сабабли араб тилини ўрганиш зарур бўлган. Бугунги кунда нутқимизда **қарор, миллат, давлат, жиноят, вилоят, ҳокимият, мажлис** каби араб тилидан ўзлашган сўзларни учратиш мумкин. Ҳозирга ўзбек тили таркибида келиб чиқиши арабча бўлган сўзларнинг кўплиги, албатта, ислом дини билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Араблар босқинидан сўнг ислом дини кенг тарғиб қилинди ва маҳаллий аҳоли учун асосий динга айланди, шу тариқа “Қуръон” тили бўлмиш араб тилини ўрганишга бўлган интилиш яна ҳам ортти. “Ислом ақидаларини тарғиб ва ташвиқ этиш, оилада диний расм-русмларни бажариш, масжид ва мадрасаларда диний маросимларни адо этиш – барчаси араб тилида олиб борилгани араб тилининг халқ орасига сингишини тезлаштирган. Мана шу ҳолатлар ўзбек тилига бир қатор диний тушунча ва тасаввурларни ифодаловчи сўзларнинг киришига сабаб бўлган. Бундай сўзлар ҳозирги кунда ҳам ўзбек тили лексикасида фаол қўлланилади: *авлиё, азон, асроил, охират, тавба, фарз, дин, қиёмат, мачит// масжид, шарият, ҳалол, ҳаж, дуо, қибла, калима.....*”<sup>4</sup> Юқорида араб тилидан кириб келган сўзларга келтирилган мисолларга дуч келганимизда биз уларни ўзбекча сўз эканлигига шубҳа ҳам қилмаймиз. Бунинг сабаби, бу сўзлар бизнинг тилимизга фонетик-орфоэпик, орфографик ва грамматик жиҳатдан тўлиқ мослашган бўлиб, бу кўрсаткичлар ўзлашмаларнинг бошқа тилга буткул сингиб кетишининг асосий шартларидандир.

Тарихдан маълумки, ўзбек ва тожик халқи бир-бирига яқин худудларда истиқомат қилишган, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, кийиниш мданияти жуда ўхшаш бўлган. Б. Ғ. Гафуровнинг ёзишича, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги яқинлик милодий VI асрдан бошланган.<sup>5</sup> Бу ҳолат, ўзбек ва тожик тиллари орасида сўз алмашилишига сабаб бўлган. Шу ўринда ўзбек тилига тожик тилидан ўзлашган сўзларнинг баъзиларини кўриб чиқсак: **бахор, бодом, арзон, пайпоқ, хазон, шўр,**

<sup>4</sup> Жомонов Р. Ўзбек тилида сўз ўзлаштириш ва имло муаммолари. – Т.: “Ўзбекистон” 2013. – 49 б.

<sup>5</sup> Гафуров Б. Ғ. История таджикского народа. М., 1952, С. 99-110.

дастурхон, чорва, пардоз, хоҳиш, гулқанд, ҳамма, чорак, мардона, астойдил ва ҳ. Юқорида келтириб ўтилган форсий ўзлашмаларни сўз туркумлари нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак улар хилма-хилдир.

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган сўзлар асосан абстракт тушунчаларни ифодалаган бўлса, форс-тожикча ўзлашмалар кўпинча конкрет нарса, воқеаларни англатади ва бу жиҳат ҳам ушбу ўзлашмаларнинг ўзбек тилига сингиб кетишида муҳим роль ўйнаган.

Адабиёт ривожининг тарихига назар соладиган бўлсак, кўпгина машҳур адабиёт намоёндалари икки тилда, туркий ва форс-тожик тилида ижод қилишган. Бу ҳолат ҳам форсча-тожикча сўзларнинг ўзбек тили луғатига чуқур сингиб кетишига хизмат қилган. Масалан, Навоий ҳазратларининг асрларини оладиган бўлсак, асарларда тожикча сўз ва ибораларнинг ҳаддан зиёд мўллигини Хуросон элининг икки тиллилиқ бўлгани билан ҳам изоҳлаш мумкин (Иккитиллилиқ сўз ўзлаштириш жараёнининг асосий мезонларидан биридир). Навоийнинг ёзишича: "... туркнинг каттадан кичигигача, хизматкоридан бегигача сарт (тожик-форс) тилидан баҳраманддирлар. Шундайки, ўз тирикчиликларига оид аҳволлар устида сўзлаша олурлар, балки баъзилари адабий равишда сўзлаша олурлар. Ҳаттоки, турк шоирлари форсий тилда рангдор шеърлар ва ширин ҳикоялар юзага чиқара олурлар".<sup>6</sup>

Тожик тилидан кирган кўпгина сўзлар янги сўзлар ясашда ҳам иштирок этади ва ўзбекча шакллар қаторида қўлланаверади. Масалан: "...йўл + а + ки- йўлаки; йўлаки зиёфат (енгил зиёфат). Қиёсланг, тожик тилида роҳаки (роҳ + аки); декча — қозончада шавла қилибди (тож. дег + узб - ча); Тож. бардор — бардор — ўзб. кўтар: *Ноз қил бардорингга, кўтарса харидорингга* (мақол) ва ш. к."<sup>7</sup>

Шунингдек, тожикча: *-хона, -парвар, -фуруш, -истон (-стон), -параст, -хон, -паз, -бон, -боз, -дўз, -гоҳ, -бон, -он (равон), -шунос, -ваш (махваш), -ор (харидор), -вачча, -поя, -соз* каби морфемали сўзлар ҳам тилимизда кенг қўлланилади.

Ҳозирги ўзбек тили ўзлашма қатламининг, умуман луғат таркибининг катта қисмини рус тили ва у орқали Европа халқлари тиллари (юнон, лотин, инглиз, француз, италян, немис ва шу кабилар) дан кирган сўзлар ташкил қилади. Бу ҳолат XIX асрнинг II ярмида, Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистоннинг рус мустамлакачилари томонидан истило қилиниши билан бевосита боғлиқ.

Бирок, ўзбек ва рус халқи Октябрь инқилобидан илгари қам иқтисодий, маданий ҳаётда ўзаро муносабатда бўлиб келган. "Агар биз Ўрта Осиё хонлиқларининг Москва давлати билан XVI — XVII ва XIX асрларда олиб борган савдо ва дипломатик алоқаларига оид турли ёрликлар, элчилар мактублари, тарихий-илмий ҳужжатларига назар ташласак, *ўрус, кноз, пут (пуд), дужна (дюжина), яшик (ящик), самовар, конфут* (конфета), *патнус* (поднос), *лампа* каби сўзларни ўзбек тилида қўлланганини кўрамыз. Ушбу сўзлар кўпроқ сўзлашув орқали киргани учун фонетик ўзгаришларга учраб ўзбек тилининг ички таракқиёт конунларига бўйсунган".<sup>8</sup>

Руслар истилосидан сўнг, вазият тақозосига кўра, ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги муносабатлар яна ҳам ривожланди. Натижада ўзбек тилининг луғат таркибига савдо,

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Муҳокаматул лугатайн. Тошкент. 1940, 46-6.

<sup>7</sup> А. Алиев, Қ. Содиков Ўзбек адабий тили тарихидан. - Т. "Ўзбекистон" 1994. – 25.

<sup>8</sup> А. Алиев, Қ. Содиков Ўзбек адабий тили тарихидан. - Т. "Ўзбекистон" 1994. – 34.

транспорт, молия, почта-телеграф, саноат, харбий, маъмурий, уй анжомлари, табобат, санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларга оид кўпгина сўз ва атамалар ўзлаша бошлади.

Ўзбек тилига ўтиб, ўзлашиб кетган русча ва интернационал сўзлар ёзувчиларнинг асарларида бадиий тасвирлаш воситалари сифатида ҳам (ўхшатиш, кофия ва шу каби) фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин. Мисоллар:

Сирли сен, чайқал, эй гўзал дилбар,

Шўх ва қувноқ қиз **альбоми** янглиғ.

(Ҳ. Олимжон.)

“Аврора” берган залп тонгги **гудокдай**

Уйқусин ўчирди мазлум чўнг Шарқнинг.

(Ғ. Ғулом.)

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан жуда кўп сўз ва атамалар тилимизнинг табиатини ҳисобга олиб, янгиланмоқда ва эскилари қайтадан тикланиб кенг қўлланилмоқда. Ўзбек адабий тили луғат таркибининг тожикча- форсча, арабча, русча-европача, хитойча ўзлашган сўзларга бойлиги тилимизнинг луғавий бой ва мураккаб жараёни босиб ўтганлигидан далолатдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Суперенская А.В. Заимствование слов и практическая транскрипция.- М.: «Наука», 1962.
2. Жомонов Р. Ўзбек тилида сўз ўзлаштириш ва имло муаммолари. – Т.: “Ўзбекистон” 2013.
3. Сорокин Ю.С. Развитие словарного состава русского литературного языка 30-90 е годы XIX века. – Москва – Ленинград: Наука, 1965.
4. Гафуров Б. Г. История таджикского народа. М., 1952.
5. А. Алиев, Қ. Содиков. Ўзбек адабий тили тарихидан. - Т. " Ўзбекистон" 1994.
6. Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. Тошкент. 1940, 46-б.